ТУРКИСТОН

Туркистон Осиё васати ва ёинки Туронзаминдан иборат ва турк кавмининг мухталиф уруглари ила маскун бўлуб, хол-хозирда Туркистони Русий ва Туркистони Чиний кисмларига бўлунур. Туркистоннинг бир кисми Афгонистон хукуматининг тасарруфида бўлуб, Туркистон ёинки Чахор вилоят аталур. Киргиз-Козокистон ва ёинки Арози сахроия хам Туркистондан хисоб килинодур. Аммо мунда хозирги таксимоти сиёсияси юзасидан факат Туркистони Русийни баён килинадур.

Туркистон музофотининг худуди гарбан Бахри Хазар (Каспий) денгизи, шимолан Урол ерлари ва Арал денгизи ва аксарият Туркистоннинг Киргиз-Козокистон китъаи васиъяси, шаркан Туркистон Чини, жанубан Афгонистон ва Эрон мамлакатларига муттасилдур.

Бухоро ва Хива хонликлари ушбу худудга дохил ва Туркистоннинг жанубий тарафинда вокеъ бўлуб, Бухоронинг ерлари Афгонистонга муттасилдур.

Туркистон вилоятлиги облустларга бўлунуб, вилоятлар санжок уездлардан ташкил топилиб, бахор вилоятга харбий волий (военной губернотир) мансуб бўлуб, ва бутун Туркистон музофотини бир бош волий генерал-губернотир идора этиб, маркази хукумат Тошканд шахридур.

Туркистон музофотининг хозирги таксимоти ушбудур:

Вилоят ва уезд ери

Мураббаъ чакирим

1902 йилдаги барча халки

Закаспийский (Моваробахри хазар)

501 696

409 000

Ишкобод уезди

86 650

102 000

Красноводский

101 000

59 000

Мангишлок

160 254

67 000

Марв

110 795

131 000

Тажанд

33 997

50 000

1910 йилда

Самарканд вилояти

81 891

900 202

Самарканд санжоки

17 060

362 217

Диззах

43 410

241 343

Каттакўргон

4 994

135 567

Хўжанд

14 477

221 245

1904 йилда

Сирдарё вилояти

441 837

1 629 000

Тошканд уезди

48 090

492 000

Авлиёота

62 144

307 000

Газзолий

58 528

155 000

Ок масжид (Серовский)

90 134

148 000

Чимкент

95 820

314 000

Амударё китъаси

97 098

213 000

Фаргона вилояти

140 668

1 726 000

Маргилон санжоки

14 069

359 000

Андижон

13 333

386 000

Хўканд

13 110

402 000

Наманган

15 273

392 000

Ўш

24 880

174 000

Помир

60 000

2 700

Семиречинский (Еттисув вилояти)

228 966

1 090 000

Верний (Олмати уезди)

45 588

248 000

Жаркент

25 587

136 000

Лепсинский

43 876

200 000

Капол

75 797

150 000

Пишпак

77 683

194 000

Пржевальский

40 435

163 000

Жами

1 395 057

5 604 362

Туркистонда халойикдан юзда тўксон бешдан зиёдаси мусулмон бўлуб, хар бир юз нафар одамдан тўрт нафар кадари насоро ва яхудийдур.

Туркистон халкини(нг) юкоридаги ададн оздур. Орий, 1897 йилинда Русия хукумати амри ила умуми тахрири нуфус бўлуб эди. Аммо бир тарафдан, рўйхатчи мирзоларни(нг) танбаллиги, дигар тарафдан мусулмонларни «Русия хукумати аскар оладур» ёинки «Жон бошидан солик окча оладур» деб хакикий ададни кўрсатмаганлари сабабли хисобни натижаси оз зохир бўлгандур. Болодаги ракамга бир сулс ва аклан бир рабъ яна кўшмок керакдур.

«Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон, 2—5-бетлар.